




XASR



ЎТМОИЙ-
СИЙОСИЙ
ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқра бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI
— O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI
NASHRI



Жорий йилнинг ўтган
даврида вилоят кенгаши
томонидан ишлаб
чиқилган дастурга кўра
89 та лойиҳа амалга
оширилиб, 120 га яқин
янги иш ўрни яратилди



2000 йилда фермер
хўжаликларида 295 минг,
2005 йилда 954 минг
нафар киши меҳнат қилган
бўлса, ҳозирда ушбу
кўрсаткич 1,6 млн.дан
ошиб кетди



Мутахассислар воқеалар
ривожини таҳлил этиб,
Россия авиаконкомпаниялари
бўлган ишонч сўниши
мумкинлигини бежиз
таъкидламаятилар

2011 йил 15 сентябрь, пайшанба
37 (409)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

3 ИСЛОХОТ

5 ИҚТИСОДИЁТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Бизнес учун қулай имкониятлар

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиш, бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича кенг қўламли ҳуқуқий, ташкилий чоратадбирлар амалга оширилятир

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлмақда. Ушбу ҳужжатда ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

эркинлигининг муҳим қолати бўлиб хизмат қилаётир. Тадбиркорлик субъектида ўтказилаётган ҳар бир текшириш жараёнида ҳолис қузатувчилар фаолияти йўлга қўйилгани қонунбузарликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, мазкур палата тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга идоралардан биридир.

— Бугунги кунда тадбиркорлар палатага ўларнинг яқин ва ишончли ҳамкори сифатида қараб, мутахассисларимизнинг текширишларида иштирок этишини сўраб мурожаат этишмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси юридик экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Улуғмурод Эрназаров. —

Жорий йилнинг ўтган даврида палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган тўрт юзга яқин текширишда мутахассисларимиз иштирок этди.

Таҳлиллар назорат органлари ходимлари томонидан баъзи ҳолларда текширув ўтказиш учун қўйилган талаблар бузилаётганини кўрсатмоқда. Тадбиркорлик субъекти раҳбарига текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларни тақдим этмаслик, текширувларни рўйхатга олиш китобини белгиланган тартибда расмийлаштирмаслик, текширув натижалари бўйича тузилган далолатномаларни белгиланган муддатда ва тартибда субъект вакилига бермаслик шулар жумласидандир. Бундай ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чораларни қўллаш юзасидан прокуратура идораларига, юқори назорат органларига тақдимномалар киритилмоқда.

3 >>>

Назорат янада кучайтирилиши керак

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини сертификатлаштириш юзасидан амалга ошираётган ишлар тўғрисида вилоят Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Зариф Нортажиевнинг ҳисоботини эшитди

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 24 минг 600 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари бўлиб, иш билан банд аҳолининг 160 мингга яқини ҳам айнан ушбу секторда меҳнат қилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари қулайлик яратиш мақсадида уларнинг мурожаатларини қисқа вақтда қўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Озиқ овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ва 2011 йил 28 апрелдаги "Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда.



3 >>>

Ўзбекистон дунёдаги энг болажон мамлакатлардан бири

Save the Children Халқаро ташкилоти болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратаётган давлатлар рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон мазкур рўйхатда 9-ўринни эгаллади. Ташкилот маълумотларига кўра, Марказий Осиё давлатлари орасида Қозғистон — 16, Қирғизистон — 42, Тожикистон 65-ўринда экани қайд этилган. Ўзбекистон эса Швеция, Финляндия, Ирландия, Норвегия, Белоруссия, Дания, Куба ва Германия давлатлари жой олган кучли ўнталikka кирди. Жами 161 та мамлакат ўртасида ўтказилган рейтингнинг энг паст поғоналарини эса 10 минг нафар кишига 7 нафар соғлиқни сақлаш ходими тўғри келаятган Сомали ҳамда Чад республикалари эгаллаб келаяпти. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига айтилишича, она ва болага малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши учун мазкур кўрсаткич 23 нафарни ташкил этиши керак.

БУГУНГИ СОНДА:

Ҳисобот депутатларни қаноатлантирмади

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ О'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН «ВИЛОЯТДА ЧОРВАЧИЛИК, ҒАЛЛАЧИЛИК, САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАЛАРИДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА»-ГИ МАСАЛА БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ ҲИСОБОТИНИ ЭШИТИШДАН МАҚСАД ҲАМ АЙНАН ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ ТОПИШГА ҚАРАТИЛДИ

03 >

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▼ 1807,27
1 Англия фунт стерлинги	▼ 2760,37
1 Дания кронаси	▼ 317,83
1 БАА дирҳами	▲ 474,26
1 АҚШ доллари	▲ 1741,78
1 Миср фунти	▼ 291,15
1 Исландия кронаси	▼ 14,78
1 Канада доллари	▼ 1744,05

1 Хитой юани	▲ 272,68
1 Малайзия ринггити	▼ 576,18
1 Польша злотийси	▼ 550,85
1 СДР	▼ 2746,23

1 Туркия лираси	▼ 969,27
1 Швейцария франки	▼ 1963,23
1 ЕВРО	▼ 2446,11
1 Жанубий Корея вон	▼ 16,17

1 Япония иенаси	▼ 224,77
1 Россия рубли	▼ 58,66
1 Украина гривнаси	▲ 218,47

Ҳамкорликдан — амалий натижаларга

Ўз мухбиримиз

Йигилиш иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизда мустақиллик йилларида тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қўлай ишбилармонлик муҳити яратишга устувор вазифа сифатида қаралди. Парламентда соҳани тартибга солувчи 400 дан зиёд мезърий ҳужжатларнинг қабул қилиниши эса мулкдорлар қатламини ривожлантиришда ишончли ҳуқуқий қафолат вазифасини ўтади. Натижада ялпи ички маҳсулот таркибидаги кичик бизнес улushi қарийб 53 фоизга етди. Бугун аҳоли даромадларининг 47 фоизи айнан тадбиркорликдан олинаётгани эса соҳанинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Мазкур фармон ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш учун қўлай муҳит ва кенг имкониятлар яратиш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат бўлиб, унда белгилаб берилган комплекс чора-тадбирлар «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг изчил ижросини таъминлашга, тадбиркорлик фаолияти учун янги, янада кенг имкониятлар яратишга қаратилган.

— O'zLiDeP ўз фаолиятининг дастлабки даврларида ноқ тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш йўлида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорлик қилмоқда, — деди O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев. — Утган вақт мобайнида ана шу ҳамкорлигимиз ўзининг самарали натижаларини берди. Бугунги глобаллашув жараёнида, жаҳонда тораба чуқурлашиб бораётган молиявий-иқтисодий инкироз яна бир қарра мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусий сектор мавқеини мустаҳкамлаш ва унга зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларни нечоғли тўғри эканини аққол кўрсатмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқ ва говларга барҳам бериш, хусусан, турли рухсат бериш тартибларини янада соддалаштиришни назарда тутаятган фармоннинг ўрни ва аҳамияти беқийс. Ана шундан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги ишларимизни янада жадаллаштириш орқа-



ли зиммамиздаги вазифаларни бажариш бугуннинг талабидир.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов эса Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»-да илгари сурилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва биргаликда режалаштирилган ишларни тўлатўкис бажаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Чунки жамиятимизда демократлашув жараёнларининг тобора чуқурлашиб бориши мазкур қонунга бўлган эҳтиёжни ҳам ортирмоқда. Бу мамлакатимизда кун сайин ижтимоий шериклик асослари илдам шаклланиб бораётганидан далолатдир. Хусусан, ўзаро стратегик ҳамкор ҳисобланган O'zLiDeP, Савдо-саноат палатаси ва Фермер ҳўжаликлари уюшмасининг хусусий мулк, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган фаолияти ҳам ижтимоий шериклик механизмлари асосида юзага чиқди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу ташкилотларнинг ҳар бири тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолиятига тўқсизлик қилаётган муаммоларни бартараф этишда етарли амалий тажриба ва зарур ахборот таҳлил воситаларига эга. Бирок, шунга қарамай, улар фаолиятида хали фойдаланилмаётган куч ва имкониятлар мавжуд. Бошқача айтганда, Бош битим доирасида жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ишлар бугунги кун талаби даражасида эмас.

Кўшма мажлисда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишда кузатилаётган ана шундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида O'zLiDeP, Савдо-саноат палатаси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳамда Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш марказининг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик Кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф маъқулланди. Йигилишда бу борада ишлаб чиқилган қўшма ҳаракат дастури лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Т.Бозоровнинг фикрича, мазкур дастурнинг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан ҳамкор ташкилотларнинг худудлардаги фаолиятига ҳам боғлиқдир. Жойларда қонунлар ижросига сунъий тўсиқ қўяётган маҳаллий раҳбарлар фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши йўлга қўйилмас экан, қутилган натижага эришиб бўлмайдди. Шу маънода Юртбошимиз фармонида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда ҳамкор ташкилотларнинг худудлардаги тузилма-ларининг ҳам фаол иштироки таъминланиши зарур.

Мажлис иштирокчилари «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони ўз мазмун-моҳиятига кўра, O'zLiDeP ва унинг ҳамкор ташкилотлари мақсад-муддаоларига тўла мос келаятгани учун ҳам улар олдидаги масъулиятни икки ҳисса оширишини таъкидладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Т.Турсун-

новнинг фикрича, фармон асосида микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган валютанинг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилиши, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасига ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга қайтарилиши, шўбҳасиз, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин 2012 йилнинг ўзида фармон асосида солиққа солинишдан озод бўладиган 34,8 млрд. сўм миқдорда қўшимча маблағ саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар тасарруфида қолдирилиши кутилмоқда. Бу эса кичик бизнес субъектлари томонидан айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта тиклаш, техника ва технологик жиҳозлаш ҳамда маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Тадбирда, шунингдек, фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, тадбиркор ва фермерлар орасида кенг тарғиб этиш, O'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси орқали мулкдорлар манфаатларини ҳимоялашга доир қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этиш, депутатлик гуруҳлари воситасида жойларда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси устидан кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида қатор тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Мажлис якунида қўшма ҳаракат дастури ва ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик Кенгаши таркиби тасдиқланди.

Бошланғич партия ташкилотларида

Ташаббус ҳам, талаб ҳам қуйидан бошланади

O'zLiDePнинг қуйи бўғинлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир

Ўз мухбиримиз

Мустақиллик йиллари ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти куриш йўлида дадил одимлаган Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шакллантирилиши

юзасидан қарор қабул қилгач, 67 та янги замонавий бекат қурилди, 57 та бекат қайта таъмирланди. Айни пайтда Самарқанд вилоятида «Самарқанд-транс-маркази» таркибида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи 71 та корхона бўлиб, 346 та йўналишда 243 та автобус ва 3637 та таксилар аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Самарқандда

фермерликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларида туркум тадбирлар ташкил этилмоқда. БПТ O'zLiDeP туман кенгаши билан алоқаларни мустаҳкамлаб, кенгашга муаммолар масалалар юзасидан ўз тақлифларини тақдим этаётди. Бу эса бошланғич ташкилотнинг партия дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш ва аҳоли кенг қатламларини давлат ва жамият қурилишига фаол жалб этишда кўл келмоқда.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонасидаги БПТ эса O'zLiDePнинг илк қалдирғоч ташкилотларидан саналади. 2004 йил 16 июндан фаолият олиб бораётган мазкур тузилма ўз атрофида 851 нафар аъзони бирлаштирган. Шу боисдан ҳам ушбу БПТда партиявий кўрсатмаларни бажариш ва белгиланган вазифаларни амалга оширишда етарли тажриба тўпланган, дейиш мумкин. Бошланғич партия ташкилоти томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилган 30 дан зиёд тадбирда асосан электорат вакиллари йўналтирилган муаммолар атрофида муҳокама қилинди. Уларда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари ҳам бу борада ўз тавсияларини бердилар.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларини сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллашув даври, деб аташ мумкин. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ва Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиззах шаҳридаги «Кўҳинур» хусусий корхонасида фаолият кўрсатаётган O'zLiDeP бошланғич партия ташкилоти эса ўз атрофида 60 нафар аъзони бирлаштирган. Ташкилот ва муассаса ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. — Ямаркада 360 нафардан зиёд фуқаро ишга кириш учун йўланма олди, — дейди шаҳар Бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари М.Эминов. — Қирқ нафардан ортик хотин-қиз тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари хунарларни ўрганиш учун ўқишга юборилди. Кўплаб фуқароларга меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли маслаҳатлар берилди.

— Жорий йил Фарғона шаҳридаги 2-тиббийет коллежини имтиёзли диплом билан тамомладим, — дейди ямарка орқали ишга жойлашган ёшлардан бири Мафтун Миромимова. — Ямаркада иштирок этиб, Фарғона вилояти перинатал марказига ҳамшира бўлиб ишга кирганимдан хурсандман. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 69 мингдан зиёд киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ «КЎҲИНУР» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН O'ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЭСА ЎЗ АТРОФИГА 60 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН. ТАШКИЛОТ ЭТАКЧИСИ ХОЛИСХОН БОБОВЕВАНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎРТА СИНФ — МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ЎСИБ БОРМОҚДА

кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида асосий эътибор сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилганини кўрсатади. 2003 йилда мамлакатимизнинг кўп қисмидаги мажбурий кўтилмоқда. Бу эса кичик бизнес субъектлари томонидан айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта тиклаш, техника ва технологик жиҳозлаш ҳамда маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Тадбирда, шунингдек, фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, тадбиркор ва фермерлар орасида кенг тарғиб этиш, O'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси орқали мулкдорлар манфаатларини ҳимоялашга доир қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этиш, депутатлик гуруҳлари воситасида жойларда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси устидан кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида қатор тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Мажлис якунида қўшма ҳаракат дастури ва ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик Кенгаши таркиби тасдиқланди.

ишлаб чиқарилган, халқимиз учун ўта қўлай бўлган «Исузу» русумидаги автобуслар ҳозирда Пайарик, Пастдарғом, Каттақўрғон туманлари аҳолисининг узоғини-яқин қилмоқда.

«Самарқандтранс-маркази» иш бошлагач, бу ерда O'zLiDeP бошланғич партия ташкилоти тузилди. БПТ районининг дастлабки даврларида ноқ мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этмоқда.

Жиззах шаҳридаги «Кўҳинур» хусусий корхонасида фаолият кўрсатаётган O'zLiDeP бошланғич партия ташкилоти эса ўз атрофида 60 нафар аъзони бирлаштирган. Ташкилот ва муассаса ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. — Ямаркада 360 нафардан зиёд фуқаро ишга кириш учун йўланма олди, — дейди шаҳар Бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари М.Эминов. — Қирқ нафардан ортик хотин-қиз тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари хунарларни ўрганиш учун ўқишга юборилди. Кўплаб фуқароларга меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли маслаҳатлар берилди.

Тадбиркорлар танланмоқда

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги йўналишиз тақсилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ҳамда «TAXI» таниш белгиларини етказиб берувчи юридик шахсларни танлаш бўйича конкурслар эълон қилди.

Агентлик ахборот хизматидан хабар қилинишича, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майда қабул қилинган «Йўналишсиз тақсилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ўтказиладиган ушбу танлов йўловчи ташиш билан шуғулланмоқчи бўлган энгил автомобиль эгаларига яратиш, талабларга мос, арзон мосламаларни харид қилиш имконини беради.

Эслатиб ўтиш жоиз: йўналишсиз тақсилар учун ягона таниш белгилари ва улар ишини ташкил этишга қўйиладиган янги талаблар тўғрисидаги ҳужжат 2012 йилнинг 1 январидан амалга киритилади.



Светофорлар ўзимизда ишлаб чиқарилади

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида диодли лампалар ва турли хилдаги ёритгич мосламалар ишлаб чиқарадиган «CFM ProEnergies» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси ишга тушди. Anons.uz сайтида хабар қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Ташкилотчилик ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Uzprommashimpex» ДАК ҳамда Сингапурнинг «CFM Holding» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхона йилга 2 миллион дона қўчани ёритишга мўлжалланган чирок, светофор, прожектор ҳамда ёнувчи реклама панелларини ишлаб чиқаради. Жорий йил охирига қадар 300 минг дона энергия тежовчи лампа ишлаб чиқаришни кўзлаётган «CFM ProEnergies» маҳсулотининг 50 фоизини хорижга экспорт қилишни режалаштирган.

Меҳнат ярмаркаси кўмагида

Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳнатга лаёқатли ҳамюртларимизни иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарғона шаҳар Бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратураси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ҳамкорлигида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда юздан ортик корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. — Ямаркада 360 нафардан зиёд фуқаро ишга кириш учун йўланма олди, — дейди шаҳар Бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари М.Эминов. — Қирқ нафардан ортик хотин-қиз тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари хунарларни ўрганиш учун ўқишга юборилди. Кўплаб фуқароларга меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли маслаҳатлар берилди.

— Жорий йил Фарғона шаҳридаги 2-тиббийет коллежини имтиёзли диплом билан тамомладим, — дейди ямарка орқали ишга жойлашган ёшлардан бири Мафтун Миромимова. — Ямаркада иштирок этиб, Фарғона вилояти перинатал марказига ҳамшира бўлиб ишга кирганимдан хурсандман. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 69 мингдан зиёд киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Бизнес учун қулай имкониятлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Бу борада палата ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлик субъектларининг муружаатлари ва улар фаолиятида ўтказилаётган текширишларни мониторинг қилиш маркази муҳим аҳамият касб этаётир. Марказнинг асосий мақсади назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари вакилларининг муружаатларини тезкорлик билан қабул қилиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги мониторингини юритиш ҳамда мавжуд муаммоларни амалда ҳал қилишга кўмаклашишдан иборат.

Қонунчиликда палатага ўз аъзолари бўлган тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъво аризалари киритиш ҳуқуқи ҳам берилган. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида палата томонидан судларга умумий қиймати 188,5 миллиард сўмликдан зиёд 2240 даъво аризаси киритилди. Кўрилган ишларнинг аксарияти қаноатлантирилиб, тадбиркорлар манфаатлари таъминланди.

Тадбиркорликка оид ахборот-маслаҳат тизимининг жорий этилгани, халқаро алоқаларнинг тобора ривожланиётгани ҳам соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда. Ярмарка ва кўргазмаларнинг мунтазам ташкил этилаётгани ўзaro рақобат бозорини шакллантириб, махсулотлар сифатининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлар ҳуқуқларининг тўла таъминланиши уларнинг ҳуқуқий билими ва соҳага оид қонун ҳужжатлари билан вақтида танишиб боришига ҳам боғлиқ. Шу боис палата томонидан барча вилоят, туман ва шаҳарларда ҳафтада бир марта "Тадбиркорлар куни" ташкил этилмоқда. Унда тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 30 мингдан ортиқ тадбиркор ана шундай тадбирларда иштирок этди ва улардан 20 мингга яқин муружаат тушди. Ушбу муружаатларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди идоралар томонидан жойида ҳал қилинди.

Бу мамлакатимизда бизнес учун қулай муҳит ва имконият яратиш билан бирга соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борисида жорий этилган яхлит механизм бераётган самаралардан дидир.

Янги ўқув йили — янги мактабда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Таълим муассаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ таълим муассасалари мукамал реконструкция қилиниб, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер, мебель ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланмоқда.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 28-умумий ўрта таълим мактаби ҳам мазкур қарор ижроси доирасида тубдан реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида жаҳон андозалари талабларига мос билим масканлари барпо этилиб, мавжудлари тубдан реконструкция қилинмоқда, ёшларнинг ўқиб-изланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди мактаб директори Раъно Деҳқонова. — Бизнинг 400 нафарга яқин ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олаётган билим масканимиз ҳам мазкур янги ўқув йилида барча зарур анжомлар билан жиҳозланган лаборатория, фан кабинетлари, спорт зали, ошхона, стадион, кутубхонага эга бўлди.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ХДПНИНГ ПАСТДАРҒОМДАГИ «КАШФИЁТИ»

Инкор этиш «санъати»ни ниҳоятда пухта эгаллаган тажрибали партия аъзолари ҳатто ўзларига ўзлари қарши чиққан ҳолда «Гарчи уста-хунармандлар меҳнатини қонунийлаштириш, уларга етарли шароит яратилишига кўмаклашиш партияимиз дастурий мақсадларига дахлдор бўлса-да, депутатлик гуруҳи бу масалага жиддий қарамаган», дея хулоса чиқардилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пастдарғом туман кенгаши раиси, «Хунарманд» уюшмасининг туман бўлими раиси Хусниддин Шариповнинг расмий хатида эса...



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Фарход ТОШБОЕВ,
«XXI ASR»

Экспортбоп махсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар ва корхоналарга кўмаклашиш мақсадида «Махсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркор ва корхоналарнинг муружаатларини қабул қилиш бюроси» фаолият юритапти. Ўрганилган ҳужжатлар тўплами ва махсулот намунаси асосида сертификатлаштириш ишлари ўз вақтида бажарилаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларнинг 290 та кишлоқ хўжалиги, 167 та озиқ-овқат, 8 та алкоголь махсулотларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаштириб берилди.

Мамлакатимизда ушбу тизимда белгиланган тартибга асосан олиб борилган сертификатлаштириш ишлари натижа-сида жорий йилнинг

ўтган даврида тадбиркорларнинг жами 84583504,9 та сўмлик махсулотига 466 та мувофиқлик сертификати берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, "Ассон-Термиз" хусусий корхонаси, "Агрохизмат-Шингдон", "Шингдон-Спиннинг-Термиз" кўшма корхоналари, "Сурхонозиковкатсаноати", "Хўжайконтуз" акциядорлик жамиятларининг хизмат ва махсулотлари сертификатланди. Республика маҳаллийлаштириш дастурига киритилган "Аслиддин" савдо ишлаб чиқариш корхонаси ва "Сурхон комбинати" масъулияти чекланган жамиятларида сифат менеджменти тизими жорий этилди. Айни пайтда "Умид" шўъба корхонаси ва "Сариосийдон" МЧЖ билан халқаро стандартлар



Назорат янада кучайтирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

талаблари асосида халқаро сертификат олиш учун шартнома имзоланди.

Кун тартибдаги масала юзасидан музокараларда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Муассар Қодирова, вилоят кенгаши депутати Дилором Ҳошимова, Термиз шаҳар кенгаши депутати Гулмира Амирова чекка ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонидagi табиий газ, ичимлик сув ва электр ўлчовчи асбобларини сертификатлаштириш борасидаги муаммоларга ҳам муносабат билдирдилар. Ушбу масаланинг ижобий ечимини топиш бўйича кўчма замонавий ускуналардан фойдаланиш таклифи этилди. Йиғилишда озиқ-овқат моллари бозорларида назорат тарозиларини кўпайтиришнинг афзалликлари хусусида ҳам сўз юритилди.

— Муҳокама қилинган масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, уни халқ де-

путатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш юзасидан қарор қабул қилдик, — дейди Муассар Қодирова. — О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг келгуси йиғилишида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасида бандлик дастурини бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, воҳадаги тижорат банклари раҳбарларининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига мувофиқ коллеж ва академик лицейлар, олий ўқув юртлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб этиш учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича олиб бораётган ишлар ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ҳам режалаштирилган. Айни пайтда бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар депутатлар томонидан атрофлича ўрганилаётир.

— Кези келганда шуни айтиш керакки, бошқа партиялар жойларда очик эшиклар кунини ташкил этиб, соҳа

вакилларининг ташрифини кутиб ўтирган бир пайтда биз вилоятда оилавий бизнесни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, реал ишларни амалга оширишга ҳаракат қилаёلمиз. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур дастур бўйича 89 та лойиҳа амалга оширилиб, 120 га яқин янги иш ўрни яратилди, — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳалим Турдиев. — Паррандачилик, тикувчилик-бичувчилик, дурадгорлик, чорвачилик, зардўзлик, иссиқхона, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз ёрдами билан фаолият бошлаётган оилавий тадбиркорлар яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу борада ишлар қўламини янада кенгайтиришда партияимиз фаолларининг электорати ва кенг аҳоли қатлами орасига фойдали ташаббус ҳамда амалий таклифлар билан кириб бораётгани ўз самарасини бераёпти.

Ҳисобот депутатларни қаноатлантирмади

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ҳисоботига ана шундай баҳо бердилар

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижа-сида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштирувчи давлатдан уларни қайта ишловчи саноатлашган мамлакатга айланди. Хусусан, Тошкент вилоятида қарийб 423 минг гектар майдонга эгалик қилаётган фермерлар ҳам ўзлари етиштирган пахта, галла, мева ва сабзавотларни қайта ишлашни йўлга қўйдилар.

Тўғри, бу жараён осон кечаётгани йўқ. Айниқса, иқлим шароитлари ўзгариб бораётган сув танқислиги сезилаётган булунги шароитда ер билан тиллаштириш ўзи бўлмади. Депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этилган масала ана шу жиҳати билан ҳам гоят долзарбдир.

Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Мухторовнинг ҳисоботида қайд этилганидек, айни пайтда ҳудудда 6051 та фермер хўжалиги бўлиб, уларга керакли шарт-шароитлар яратиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқарма тизимида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлариди мавсумий семинарлар ташкил этилиб, фермерларга турли масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар берилаяпти. Бундан ташқари, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, экинларни парваришлаш, сугориш, озиқлантириш, ҳашарот ва касалликлар билан зарарланишнинг олдини олиш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Хусусан, вилоятнинг сугори-

ладиган ерларида фосфорит рудаларидан олинган нитро-кальцийфосфат ўғитдан унумли фойдаланиш натижа-сида пахта ҳосили 34 центнерни ташқари тенг бўлди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ушбу агротехник тадбир вилоятнинг махсус чора-тадбирлар дастурига ҳам киритилди.

Бугун вилоятда Сабзавот-поллиз экинлари ва картошкачилик илмий-тектириш институтида қўлга киритилган амалий натижалардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Кейинги йиллардан институт олимлари томонидан республиканинг турли иқлим шароити учун сабзавот-поллиз экинларининг 150 дан ортиқ янги навлари дала-ларда синаб кўрилди. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 ноябрдаги қарорига асосан, вилоятда мева-сабзавот, поллиз махсулотлари, картошка ва узум ишлаб чиқариш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унга кўра, 5 та туманда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни икки баробарга кўпайтириш, аҳоли ихтиёридаги 42 минг гектар экин майдонидан унумли фойдаланиш лозимлиги белгиланиб, шу кунгача 1486,9 минг тонна мева-сабзавот етиштирилди.

Ҳудудда боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўзидагина 2732 гектар майдонда янги мевали боғ яратилди. Шунинг 644 гектарига интенсив пакана ва ярим пакана мевали қўчатлар экилди. Бу эса

яқин икки-уч йилда 45 минг тонна мева олиш имконини беради, дегандир. Бундан ташқари, вилоятда чорвачилик йўналишида амалга оширилган ишлар туфайли юқори сермахсул ситирлардан иборат селекция гуруҳи шакллантирилди. Натижада аҳолига 88824 тонна гўлт, 292398 тонна сўт, 464233 дона тухум етказиб берилди.

Бироқ йиғилишда ана шундай натижаларга қарамай, вилоятда соҳани янада ривожлантиришга халал бераётган муаммолар мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси А.Абдуллаевнинг фикрича, йиғилишда кўтарилган масала ниҳоятда долзарб бўлса-да, ҳисоботда негадир вилоят миқёсида чорвачилик, галлачилик ва сабзавотчилик соҳаларидаги ишлар тўғрисида тўла ахборот берилмади.

— Тўғри, вилоятда соҳани янада ривожлантириш, илғор тажрибаларни қўллаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Лекин мутасадди ташкилотлар томонидан ҳал этилиши мумкин бўлган шундай масалалар борки, уларнинг ечимини соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хусусан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳар йили фермер хўжаликлари билан давлат буюртмаси асосида шартнома тузилади. Бироқ қатор фермерларимиз мазкур шартноманинг бир неча бандлари қатор камчиликлардан иборат эканини аниқладилар. Маърузада эса ана шундай масалаларга умуман муно-

сабат билдирилмади.

Депутат Ш.Умироқов эса бугун вилоятда чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига қарамай, файли юқори сермахсул ситирлардан иборат селекция гуруҳи шакллантирилди. Натижада аҳолига 88824 тонна гўлт, 292398 тонна сўт, 464233 дона тухум етказиб берилди.

Депутат Г.Шукурова эса вилоятда фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник аҳолини янада яхшилаш орқали аграр секторда илмий тадқиқотларни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, фермерларнинг ана шундай илмий муассасалар билан ҳамкорлиги ечимини топмаёпти. Бундан эса Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутасаддилари тегишли хулосалар чиқаришлари лозим.



СУРХОНДАРЁ. O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган ушбу тадбирда бозор ислохотларини либераллаштириш ва янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган амалий ишларда депутатлик корпуси вакиллари иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ тақлифлар, муҳим фикрлар ўртага ташланди. Шунингдек, жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, аҳоли даромадларини ошириш борасида мазкур фармоннинг ҳаётий аҳамияти юзасидан иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

КАШКАДАРЁ. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик корпуси ташаббуси ва кўмаги билан жойларда транспорт хизматини янада яхшилашга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, депутатлар Шайхали - Қарши йўналиши бўйича автобус қатновини йўлга қўйиш масаласини қатъий назоратга олган эдилар. Мутасадди ташкилотларга сўровномалар билан чиқилди ва пировардида амалий натижага эришилди. Айтиш мумкин, мазкур йўналишда Япониянинг «Isuzu Motors» компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган ISUZU русумидаги 10 та автобус мунтазам қатнаб, йўловчилар оғирини енгил қилмоқда.

— Шайхали шаҳарчаси сайловчилари билан бўлган учрашувда бу ерда 57 та корхона ва ташкилот фаолият юритаётганлиги, ишлаб чиқариш жараёнидан қақсётган захарли газлар аҳолининг саломатлиги, экология ва атроф-муҳитга жиддий зарар етказаяётганлиги, кўп қаватли уйларда канализация йўқлиги, ички йўллар ва болалар боғчасини таъмирлаш зарурлиги ҳақида кўплаб халқ аъзолари билдирилган эди, — дейди депутат И.Хушмуродова. — Бу борада ҳам тегишли ташкилотларга сўровнома билан чиқиб, муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилаёмиз. Яқин кунларда ичимлик суви таъминоти ва йўлларни таъмирлаш борасида аниқ бир тўхтамага келинади.

ТОШКЕНТ. O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши томонидан Оҳангарон туманидаги Саноат касб-хунар коллежида "Ёшлар манфаати — қонунчиликда" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Давра суҳбатида қонун ҳужжатларида ёшлар манфаатларининг ифодаси, партиянинг ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги вазифалари, истиқболли лойиҳалари, банклар томонидан тақдим этилаётган имтиёзли кредитлар, уларни олиш тартиблари, ёшларни сийёсий жараёнларда иштирокини кенгайтириш ва бошқа масалалар хусусида фикр юритилди.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атофлича жавоб қайтарилди ҳамда партия вилоят кенгашининг ёшлар масъулоти билан боғлиқ дастурий вазифалари белгилаб олинди.

НАМАНГАН. Поп туманидаги Хонобод маҳалласида "Демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштиришда O'zLiDeP "Аёллар қаноти"нинг вазифалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Партия вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда сўз олганлар маҳаллаларда касаначчилик, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ишбилармон ҳамда тадбиркор хотин-қизларнинг ижтимоий-сийёсий билимларини янада ошириш, тадбиркорлик соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш учун жойларда қўлай шарт-шароит яратиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбирда бир гуруҳ фаол хотин-қизларга партия вилоят кенгашининг фахрий ёрликлари, шунингдек, партия сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЖИЗЗАХ. O'zLiDeP вилоят кенгаши, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласига бағишланди. Тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросига қаратилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати О.Сувоннов сўзга чиқиб, ушбу фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини изчил ривожлантириш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф этиш, хусусан, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш билан боғлиқ талаблар ўртага қўйилганки, бундан мақсад мулкдорлар учун янада кенгрок эркинлик яратиш ва пировардида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришдан иборат, — деди ўз сўзида Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори В.Котельникова.

Шунингдек, тадбирда соҳага оид амалдаги қонунчилик меъёрлари ва уларнинг ижроси юзасидан ҳам қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атофлича жавоб олишди.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК 2011-ТАДБИРКОРЛИК

— Истиқлол, айнама, аёллар учун кенг имконият эшикларини очиб берди. Эндиликда Ўзбекистон хотин-қизлар учун қўлай шарт-шароит яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш бўйича дунёдаги 125 давлат орасида етак-

даражасига кўтарилганлиги бугун ўзининг амалий самараларини бермоқда. Уларнинг ижтимоий маъқени мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, иззатини жойига қўйиш учун барча имкониятлар сафарбар этилаётганлигини қалбдан ҳис этиб турибмиз. 1998 йил

кенгайиб бормоқда. Опа-сингилларимиздан 13 нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган шарафли унвон эгасидир. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 22 фойзини, Сенат аъзоларининг 15 фойзини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бугунги



Мухлиса АКРАМОВА,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари:

АЁЛЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ O'ZLiDeP ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДАН БИРИ САНАЛАДИ. ЖУМЛАДАН, «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ҲАМ МАНА, САККИЗ ЙИЛДИРКИ, БУ БОРАДА ҚАТЪИЯТ ВА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА

чи ўринлардан бирини эгаллаб турибдики, буни бир қатор халқаро институтлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилди, деган тушунча мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ жамиятимизда тўла шаклланиб улгурган эди. Аёлларга эътибор давлат сиёсати

— «Оила», 1999 йил — «Аёллар», 2000 йил — «Соғлом авлод» ва 2001 йил — «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниб, махсус давлат дастурлари орқали тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги ҳам бежиз эмас.

Ана шундай ғамхўрликнинг натижаси ўлароқ, эндиликда ўзбек аёлининг давлат ва жамият қурилишидаги иштироки тобора

ўзбек аёли озод Ватанинг ҳақиқий жонқуяри, етук сиёсатчи, йирки тадбиркор, ер эгаси, мулкдор сифатида ҳам ёшлар учун ўзига хос намуна тимсолига айланди, десак, асло хато бўлмайдими. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик тузғунлиги охирига қадар қўли хамиша дуода.

Маълумки, аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини

янада кенгайтириш O'zLiDeP фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналади. Жумладан, «Аёллар қаноти» ҳам мана, саккиз йилдирки, бу борада қатъият ва изчиллик билан иш олиб бормоқда. Айтиш пайта партия аъзоларининг 63 минг нафарини бевосита хотин-қизлар ташкил этди. Уларнинг 2000 дан ортиги бошланғич партия ташкилотлари етакчиларидир. Сафимиздаги ишбилармон, тадбиркор

ва фермер опа-сингилларимиз ташаббуси билан жорий йилнинг ўзида 5748 та янги иш ўрни яратилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йиллар мобайнида ўзбек аёли ўзининг нималарга қодир эканини амалда намойён эти олди. Истиқлол унинг камолига камол қўшиб, иқтидор ва лаёқатини тўла рўёбга чиқаргани учун ҳам ўз тақдиримиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди, албатта.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланган шу кунларда ўтган даврга назар ташласак, ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни кескин ошганига амин бўламиз.

Ўтган йиллар давомига аёлларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган 100 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилингани, сайлов тўғрисидаги қонунларимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакилик органларига номзод кўрсатишда хотин-қизларга қамда 30 фойзлик квота ажратилиши шартли белгилангани ҳам опа-сингилларимизнинг ижтимоий маъқени янада мустаҳкамлаш имконини берди. Аёлларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини оширишга давлат ва жамоат ташкилотлари қатори O'zLiDeP ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айтиш пайта партия аъзоларининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил қилапти. Уларнинг ақсарияти турли соҳаларда, жумладан, иқтисодиётнинг нодавлат секторида фаолият юритиши баробарида хотин-қизларни фаол турмуш тарзига кенг жалб этаётганликлари ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.



Савара МУСЛИМОВА,
O'zLiDeP Аёлларнинг сийёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими мудири:

— Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сийёсий партияларнинг янада фаол иштирок этишлари лозимлигига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш ҳал этилиши кўп жиҳатдан сийёсий институтлар ролига боғлиқ. Шу нуқтага назардан олиб қаралса, партиянинг «Аёллар қаноти» зиммасидаги масъулиятни ангайтириш бўлади. Ўтган ярим йил мобайнида аёлларнинг сийё-

сий билими, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш юзасидан жойларда ўтказилган 1122 та давра суҳбати, очик мулоқот, учрашув ва семинар-тренингларда ана шу фикрлар тилга олинди. Уларда фаол иштирок этган 62628 нафар хотин-қизлар ҳам O'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишлари сифатида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирларининг самардорлиги хусусида фикр юритдилар. Зеро, бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Марказий банк, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти каби ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қўламадаги ишлар амалга оширилди.

Аммо, таъкидлаш жоизки, бундай натижалар масъулиятимизни бир зум бўлса-да, енгиллаштирмайди. Аксинча, биздан тинимсиз изланиш, мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишга даъват этмоқда.



Гулнора ХОЛМАТОВА,
O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Ҳақиқатан ҳам жойларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бандлик муаммоларини бартараф этиш бўйича бизнес-режалар тузиш, кредитлар олиш, оилавий бизнесни шакллантириш бўйича турли тадбирлар ўтказилаётгани яхши натижа берапти. «Тадбиркорлик тамойиллари» лойиҳаси доирасидагина 450 нафар хотин-қизга тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш бўйича дарслар ўтилди. Ўқув жараёнида энг наму-

нали бизнес-режа тузган 12 нафар қизнинг 3 нафари республика босқинида иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди. Ушбу лойиҳа доирасида партияимиз сафига қабул қилинган 148 нафар хотин-қизнинг 60 нафари сурхондарёлик дўгонларимиз экани энг катта ютуқларимиздан бўлди, — дея оламани.

Касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрларини битириб чиқаятган ёшлар ўз билим ва кўникмаларини амалда қўрсатишлари учун уларни тадбиркорлик соҳасига жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бунда Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони биз учун дастуриямал вазифасини ўтамоқда. Бу муҳим вазифани амалга оширишимизда тадбиркор сафдошларимизга таяниб иш олиб бораёмиз. Ўтган ярим йилда улар кўмагида 110 нафар хотин-қизларни доимий иш билан таъминлашга эришдик.

хотин-қиз тиқиш-бичиш, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш ва компьютер курсларида бепул ўқитилди. Флористлар ассоциацияси билан биргаликда 32 нафар аёли ўй меҳнатига жалб қилдик. «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда одам савдоси, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйганимиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Мазкур нодавлат ташкилотнинг грант асосида ишга туширилган «Маржонтоғ» сутни қайта ишлаш заводи айтиш кунда ташқи миграцияда азият чеккан, алданган хотин-қизлар, оиладаги зўравонликка учраб, турмуши издан чиққан ва боқувчисини йўқотган аёлларни иш билан таъминлаб, уларнинг соғлом турмуш тарзига қайтишлари учун имконият яратмоқда.

Мақсадимиз жамият қурилишида аёллар иштирокини ошириш экан, бундан буён ҳам ижтимоий шерикчилик йўналишидаги ишларимизни кенгайтириб бораверамиз. Зеро, ҳамкорликдаги аёл-ҳаракат умумийимизни кўламини янада кенгайтириши, шак-шубҳасиздир.



Раъно БОЙКЎЗИЕВА,
O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Ўтган даврдаги фаолиятимизни таҳлил қилиш мақсадида ишбилармон, тадбиркор аёлларимиз ўртасида сўровнома ўтказдик.

Сўровномаларнинг 35 фойзида тадбиркор аёллардаги ишчанлик ва ўз мақсадларига интилиш муҳим фазилат деб кўрсатилган бўлса, 50 фойзида ватанпарварлик, саховатпешалик ва муҳтожларга ёрдам кўрсатиш олий қадрият экани тилга олинган. Респондентларнинг

атиги 7 фойзигина тадбиркор аёлларда махсус билим, кўникма кераклигини қайд этганлар. Бу эса тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз лозимлигини англайди. Шундан келиб чиқиб, асосий эътиборни тадбиркорлар манфаатини фидолаш тадбир ва ўқув-семинарлар ўтказишга қаратаёмиз.

Ўтган даврда хотин-қизларнинг иқтисодий билим ва ҳуқуқий онгини ошириш йўлида жами 50 га яқин тадбирлар ташкил этган бўлса, уларнинг ҳеч бири бесамар кетмади, деб ўйлайман. Чунки ана шу тадбирлардан кейин 88 нафар аёл партияимиз сафига кирди. O'zLiDeP вилоят кенгашидаги «Аёллар қаноти» кўмагида фақат жорий йилнинг иккинчи чорагидагина банклар томонидан 42 млн. сўмлик маблағ тадбиркорликка энди қадам қўяётган опа-сингилларимиз фаолиятига йўналтирилди. Натижада 232 та янги иш ўрни яратилди.



Нарғиза МАВЛОВА,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Аёлларнинг сийёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими мудири:

— Бўлимимизнинг Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ННТлар билан биргаликдаги фаолияти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бундай ижтимоий шерикчилик фаолиятимизни жонлантириши билан бирга барча ёшдаги хотин-қизлар билан яқиндан алоқа ўрнатишда ҳам қўл келаяпти. Масалан, «Хунарманд аёл» ассоциацияси, «Истиқболли авлод», «Қалб нури» ННТлари билан ҳамкорликдаги «Оилавий бизнесни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 128 нафар

ФЕРМЕРЛИК

ҚИШЛОҚДАГИ
ХАЛ
ҚИЛУВЧИ КУЧ

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Хусен ШАРИПОВ,
Бухоро вилоятидаги
«Остон Шариф Файз»
фермер хўжалиги
раҳбари, O'zLiDeP
аъзоси

O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, албатта.

Кейинги йилларда агросаноат тизимида амалга оширилган туфайли ислохотлар туфайли фермерлик ҳаракати янада ривожланиб, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилмоқда. Энг муҳими, ер ўз эгасини топди, фермерларнинг мулк ҳуқуқлари қонун билан мустақамланди. Бу эса қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ривожлантириш, маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган.

Хўжалигимиз ташкил этилганига 8 йил бўлди. Бу давр биз учун осон кечгани йўқ, албатта. Жами 5,6 гектар майдонда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирамиз. Помидор, бодринг, булғор қалампир, бақлажон, пиёз, қовун-тарвуз ана шулар жумласидан. Ўтган йили эл дастурхонига 20 тонна маҳсулот тортиқ этдик. 50 сотихдан иборат иссиқхонамизда асосан қиш дастурхони учун бодринг етиштирилади.

Ҳар йилги даромадимиз ҳисобидан 20 га яқин кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатиб келаямиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида Германиядан томат ва шарбат тайёрлашга мўлжалланган янги ускуналар харид қилиш, 200 тонна маҳсулот сақланадиган музлатгич-омборхона барпо этиш ниятидамыз. Бунинг учун моддий имкониятларимиз етарли. Хуллас, хўжалигимиз аъзолари мустақилликнинг 20 йиллигини ёруф юз, муносиб ютуқлар билан кутиб олдилар. Зеро, бу ҳаммамизнинг энг азиз ва энг улуғ байрамимиздир.



«ФАМ» навбатдаги чўққиларни забт этаётти

Университетни тамомлагач, Амир Файзиев 12 йил давомида мактабда тарих ва география фанларидан сабоқ берди. Тақдир тақозоси билан Сурхондарёдан Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги Тошкент массивига кўчиб келгач, ўз иқтидорини фермерликда синаб кўришга аҳд қилди

Ушанда яқин атрофда юлғун тикандан бошқа нарса ўсмас эди. Тинимсиз елиб-югуришлар натижасида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига асос солинди. Чўлни ўзлаштириш ҳисобидан экин далалари 250 гектарга етказилди. Шундан 213 гектари — сугориладиган майдон. Айни кунда хўжаликда тўртта тармоқ ишчил ривожлантирилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш, шўрланишнинг олдини олиш доимий эътиборда. Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда илғор тажриба ва изланишлар асқота-

япти. Дейлик, пахта далаларига 10-15 йиллик гўнг солиш ўзига хос «урф»га айланган. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётти. 2010 йилда 103 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан дон етиштирилгани фикримиз далилидир.

Чорвачилик ҳам аллақачон тараққиёт йўлига тўшиб олган. Айни пайтда хўжаликда «Голдштейн» зотли 300 бош қорабайр зотли от парварий қилинмоқда. Шу ҳисобдан йилига 300 тонна сут, 50 тонна гўшт ишлаб чиқарилаётти. Нишон, Миришкор, Косон туманларидаги чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларга эса доимий равишда насли буқалар етка-

зиб берилмоқда.

Амир ота замонавий чорвачилик мажмуасини кўп йиллик меҳнати эъзига бунёд этганини, ўғиллари Нурбек, Алибек, Замирбек унинг ишончли қанотларига айланганини доимо гурурланиб тилга олади. Бирови чорвачилик, бирови техника таъминоти, яна бошқаси деҳқончилик учун масъул. Яқинда 2 гектарли сув ҳавзасида балиқчилик ҳам йўлга қўйилди.

— 2010 йилги ялпи даромадимиз 800 млн. сўмдан зиёдроқни ташкил этди, — дейди Амир ота Файзиев. — Ушбу маблағ асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий технологиялар харид қилишга йўналтирилмоқда. Самара чак-

ки эмас. Йилига 300 тонна сутни қайта ишлаш имкониятимиз бор. Корхонамизда тайёрланаётган бринза, пишлок, қаймоқ каби ўнга яқин маҳсулотлар Миришкор тумани ва Қарши шаҳридаги савдо дўконлари орқали аҳолига сотилмоқда. Яқин йилларга мўлжалланган режаларимиз кўп. Жумладан, гўшт ва терини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар ташкил этиш, гўнгдан электр энергияси олиш, етиштирилган мева-чевани маҳаллий шароитда қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳаракатидамыз. Чўл ҳудудида барпо этилган янги боғ ҳосилга кирди. Хўжалигимизда 100 га яқин киши доимий ва мавсумий иш билан таъмин-

ланган. Хуллас, Миришкор туманидаги «ФАМ» фермер хўжалиги раҳбари А.Файзиев бугун ана шундай эзгу орзу-ниятлар билан меҳнат қилмоқда. Яқинда қишлоқ йўллари ва врачлик пункти фермер хўжалиги ҳисобидан қайта таъминланди. Ешлар ўртасида ўтказилган турли спорт мусобақаларига ҳам хомийлик қилиб келаётти. Президент соҳибини учун ўтказилган «Ташаббус-2008» кўриктанловининг республика босқичида «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритган тадбиркорнинг бундай ташаббуслари ўрта қатлам вакиллари-нинг давлат ва жамият олдидаги масъулиятини теран ҳис этаётганларидан далолатдир.

Эришилган натижалар — чегара эмас

Ҳаётнинг синовлари кўп. Шаҳрихонлик фермер Расулбек Давлатов бунинг яхши билади. Унинг ота-буваси умр бўйи деҳқончилиги чорвачилик билан шуғулланган

Аммо оғир меҳнат ва машаққатларга қарамай қосалари оқармади, бирлари икки бўлмади. Чунки жамиятнинг ўзи ижтимоий тенгсизлик асосига қурилган эди. Ота касбининг этагини тутган Расулбекнинг тақдирини эса бутунлай бошқача кечди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилгач, кўплар қатори у ҳам фермерликни ихтиёр этди. Ака-укалари, ҳамқишлоқларини ўз қанотида олди. Шу тариқа «Расул Д» фермер хўжалигига асос солинди. Озуқа экинлари етиштириш учун хўжаликка 52 гектар ер майдони бириктирилди.

Фермернинг мақсади чорвачиликни жадал ривожланти-

риш ва шу орқали эл-юрт дастурхонини тўқинчиликка муносиб ҳисса қўйиш эди. Ният холис бўлса, Яратганнын ўзи қўллар экан. Банк томонидан ажратилган 1 млрд. 200 млн. сўм кредит эъзига «Голштинфрис» зотли 230 бош наслдор сигирлар сотиб олинди. Уларни зооветеринария талаблари асосида парвартириш билан мамлакатимизда эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилгач, кўплар қатори у ҳам фермерликни ихтиёр этди. Ака-укалари, ҳамқишлоқларини ўз қанотида олди. Шу тариқа «Расул Д» фермер хўжалигига асос солинди. Озуқа экинлари етиштириш учун хўжаликка 52 гектар ер майдони бириктирилди.

Фермернинг мақсади чорвачиликни жадал ривожланти-

риш ва шу орқали эл-юрт дастурхонини тўқинчиликка муносиб ҳисса қўйиш эди. Ният холис бўлса, Яратганнын ўзи қўллар экан. Банк томонидан ажратилган 1 млрд. 200 млн. сўм кредит эъзига «Голштинфрис» зотли 230 бош наслдор сигирлар сотиб олинди. Уларни зооветеринария талаблари асосида парвартириш билан мамлакатимизда эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилгач, кўплар қатори у ҳам фермерликни ихтиёр этди. Ака-укалари, ҳамқишлоқларини ўз қанотида олди. Шу тариқа «Расул Д» фермер хўжалигига асос солинди. Озуқа экинлари етиштириш учун хўжаликка 52 гектар ер майдони бириктирилди.

Фермернинг мақсади чорвачиликни жадал ривожланти-

риш ва шу орқали эл-юрт дастурхонини тўқинчиликка муносиб ҳисса қўйиш эди. Ният холис бўлса, Яратганнын ўзи қўллар экан. Банк томонидан ажратилган 1 млрд. 200 млн. сўм кредит эъзига «Голштинфрис» зотли 230 бош наслдор сигирлар сотиб олинди. Уларни зооветеринария талаблари асосида парвартириш билан мамлакатимизда эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилгач, кўплар қатори у ҳам фермерликни ихтиёр этди. Ака-укалари, ҳамқишлоқларини ўз қанотида олди. Шу тариқа «Расул Д» фермер хўжалигига асос солинди. Озуқа экинлари етиштириш учун хўжаликка 52 гектар ер майдони бириктирилди.

Фермернинг мақсади чорвачиликни жадал ривожланти-

риш ва шу орқали эл-юрт дастурхонини тўқинчиликка муносиб ҳисса қўйиш эди. Ният холис бўлса, Яратганнын ўзи қўллар экан. Банк томонидан ажратилган 1 млрд. 200 млн. сўм кредит эъзига «Голштинфрис» зотли 230 бош наслдор сигирлар сотиб олинди. Уларни зооветеринария талаблари асосида парвартириш билан мамлакатимизда эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилгач, кўплар қатори у ҳам фермерликни ихтиёр этди. Ака-укалари, ҳамқишлоқларини ўз қанотида олди. Шу тариқа «Расул Д» фермер хўжалигига асос солинди. Озуқа экинлари етиштириш учун хўжаликка 52 гектар ер майдони бириктирилди.

Фермернинг мақсади чорвачиликни жадал ривожланти-

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР
САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, АГРАР
СОҲАДА ҲАМ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР
РЎЙ БЕРДИ.

МАЪЛУМКИ, 2000-2007
ЙИЛЛАРДА МАВЖУД ШИРКАТ
ХЎЖАЛИКЛАРИ НЕГИЗИДА 158
МИНГДАН Ортиқ фермерлик
ТУЗИЛМАЛАРИ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ БАРОБарида
ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИГА
ХИЗМАТ КўРСАТИШ КўЛАМИ
ҲАМ КЕСКИН ОРТДИ. АГАР 2005
ЙИЛДА 545 ТА БАНК
МУАССАСАСИ фермерларга
ХИЗМАТ КўРСАТган бўлса,
АЙНИ Кунга келиб улар
СОНИ 1171 ТАГА ЕТДИ. УШБУ
МУДДАТ ОРАСИДА МУҚОБИЛ
МТПЛАР СОНИ 1030 ТАДАН 1715
ТАГА КўПАЙДИ. ЖОРИЙ
ЙИЛНИНГ ЎТган ОЛТИ
ОЙИДАГИНА УЛАР
ТОМОНИДАН фермер
ХЎЖАЛИКЛАРИГА 18,2 МЛРД.
СўМЛИК ТУРЛИ ХИЗМАТЛАР
КўРСАТИЛДИ.

ШУНИ АЙТИШ Керакки,
ҚИШЛОҚДА МУЛҚДОРЛАР
СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН
1991 йил 29 ноябрда қабул
қилинган «РЕСПУБЛИКАДА
ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР)
ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МУСТАҚАМЛАШ ҲАМДА
ДАВЛАТ ЙўЛИ БИЛАН
ИШБИЛАРМОНЛИК
ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ҲАҚИДА»ГИ
ФАРМОН, ЕР КОДЕКСИ,
«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
Тўғрисида», «ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ
(ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ)
Тўғрисида», «ДЕҲҚОН
ХЎЖАЛИГИ Тўғрисида»ГИ
ҚОНУНЛАР МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ
ЗАМИН Бўлиб, фермерлик
ҲАРАКАТИНИ ИЗЧИЛ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ
ҚИЛАЁТИР. БУГУНГИ Кунга
КЕЛИБ фермер
ХЎЖАЛИКЛАРИГА ТЕГИШЛИ
ЖАМИ ЕР МАЙДОНИ ҚАРИЙБ 5
МЛН. 100 МИНГ ГЕКТАРГА
ЕТДИ. БУ ҲАР БИР фермерга
ЎРТАЧА 80 ГЕКТАРДАН ЗИЁД
ЭКИН МАЙДОНЛАРИ Тўғри
КЕЛМОҚДА, ДЕГАНДИР. АГАР
2000 йилда фермер
ХЎЖАЛИКЛАРИДА 295 МИНГ,
2005 йилда 954 МИНГ НАФАР
КИШИ МЕҲНАТ ҚИЛГАН
Бўлса, ҲОЗИРДА УШБУ
КўРСАТКИЧ 1,6 МЛН. ДАН
ОШИБ КЕТДИ

Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятининг турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзга келса, сизга иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Маълум Мирзо Улдубек тумани, Қорасоғ 6 даҳаси 18-Г уй.
Телефон (8711) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

«Мен кичик бизнесни танладим»

Бугун ўз тақдирини кичик бизнес билан боғлаб, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган фидойи инсонлар O'zLiDeP сафларида кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан куч-ғайратта тўлган навқирон йигит-қизлардан иборат эканлиги янада қувонарлидир



Шоҳиста АБДУРАШИДОВА, хусусий тадбиркор, O'zLiDeP фаоли, Бўка тумани:

— Мен тадбиркорликни «пулни пулга уриштириб» даромад топиш манбаи эмас, энг аввало, халқ ризқ-рўзининг тўқислигига муносиб улуш қўшишдек эзгу бир амал, деб тушунаман. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг туб моҳиятида ҳам ана шундай олижаноб мақсад мужассамдир. 2009 йилда уч киши билан иш бошлагандик. Бугун эса улар сони йигирма нафарга яқинлашиб қолди. Тадбиркорликнинг оғир юкини елкага ортишдан қочиб, бирор жойда тинчгина маошимни олиб юраверсам ҳам бўлар эди. Аммо давр биз, ёшлардан фаоллик ва ташаббускорликни такозо этмоқда. Юрт давлатига «лаббай» деб жавоб бермасак, қандай фарзанд бўлдик?

Корхонамизда 50 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Аёллар сумкалари, ҳамёнлар ва ҳақозо. Баъзилар «Ҳозирги пайтда шунга ҳоҳат борми», деган хаёлга ҳам боришлари мумкин. Бизнингча, бор. Одамларни ишли қилиб, давлатга солиқлар тушурини таъминлашнинг ўзи — савоб. Қолаверса, бундай саъй-ҳаракатлар алал-оқибат эл-юрт фаровонлигига хизмат қилишини унутмаслик лозим.

Севара ХУДОЙБЕРГАНОВА, «SEVARA UNIQUE» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри:

— Эътироф этиш керак, ўзбек давлатчилиги тикланган пайларданок бозор иқтисодиёти соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар янада чуқурроқ кўлам касб этди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизими тобора соддалашиб, банк-молия ва солиқ соҳа-

сида қатор энгиллик ва имтиёзлар яратилаётгани, фаолиятимизга асосиз аралашувларнинг олди олинаётгани айна мудоадир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун алоҳида социологик сўров ўтказиш ҳам шарт эмас. Ҳаммаси ойнадек равшан кўриниб турибди.

Бундай шароит ва қулайлик натижасида 2008 йилда иш бошлаган корхонамизда ҳозир ўттиздан ортиқ турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. 10 киши шу ерда ўз ризқ-насибасини топаётти.

Акмал КОДИРОВ, хусусий тадбиркор, Янгийўл тумани:

— Шахсий тажрибамдан биламанки, аксарият муаммолар ўз лоқайдлигимиздан, ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаслигимиз ва берилган имкониятлардан тўғри фойдалана олмаслигимиздан келиб чиқади. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида мулкдорнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳуқуқини билган ҳеч қачон, ҳеч қаерда қўқилмайди.

O'zLiDePдан халқ депутатлари Янгийўл туман кенгаши депутати этиб сайланганимдан бери омма орасида кўпроқ бўлишга, депутатлик сўровларимда тадбиркорлар фаолиятига оид муаммоларни назардан қочирмасликка ҳаракат қиламан. «AKMAL KONSULT» номли корхонамиз жамоаси асосан улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланар эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган имкониятлар-

дан фойдаланиб, «GRAND BROKER SERVICE» корхонасини ташкил этдик. Натижада фаолиятимиз доираси янада кенгайди. Даромадимиз ҳам шунга яраша.

Айтмоқчиманки, инсон ҳаётга келибдими, яхши яшаш, бошқаларга ҳам яхшилик қилиш орузи билан олға интилади. Бу эзгу гоё бизнинг давримизга келиб янада теран маъно касб этаётганлиги эътиборга моликдир.

Нигора ПўЛАТОВА, ёш касаначи, Тошкент шаҳри:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳаётимда туб бурилиш ясади, десам асло муболага бўлмайди. Тикувчилик соҳасида етарли тажрибам бўлса-да, онда-сонда тушиб турадиган буюртмалар билан қаноатланишга тўғри келар, бирор-бир фабрикада ишлаш учун

оилавий шароитим йўл қўймас эди. Президентимиз ва ҳукуматимизга раҳмат. Касаначилик бизга ўхшаган уй бекалари учун айна мудоаб бўлди. Туман бандликка қўмақлашиш марказининг сайёҳлик харақати қўл келиб, йирик завод ва фабрикалардан буюртмалар ола бошладим. Солиқлардан 24 фоизлик имтиёз берилган. Турли расмиятчилик, хатта-кичиқ идораларга ҳисобот бериш каби «бош оғриқ»лардан йироқимиз. Рўзгорга қўшимча даромад қираяпти. Энг асосийси, доимо оилам бағридаман. Икки нафар маҳалладошимни шоғирдилликка олганман. Эрта-индин улар ҳам тикувчилик касбини пухта эгаллаб, мустақил иш бошлашди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан қувонамай бўладими, ахир!

Ш. РАХИМОВ тайёрлади

дан фойдаланиб, «GRAND BROKER SERVICE» корхонасини ташкил этдик. Натижада фаолиятимиз доираси янада кенгайди. Даромадимиз ҳам шунга яраша.

Айтмоқчиманки, инсон ҳаётга келибдими, яхши яшаш, бошқаларга ҳам яхшилик қилиш орузи билан олға интилади. Бу эзгу гоё бизнинг давримизга келиб янада теран маъно касб этаётганлиги эътиборга моликдир.

Нигора ПўЛАТОВА, ёш касаначи, Тошкент шаҳри:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳаётимда туб бурилиш ясади, десам асло муболага бўлмайди. Тикувчилик соҳасида етарли тажрибам бўлса-да, онда-сонда тушиб турадиган буюртмалар билан қаноатланишга тўғри келар, бирор-бир фабрикада ишлаш учун

оилавий шароитим йўл қўймас эди. Президентимиз ва ҳукуматимизга раҳмат. Касаначилик бизга ўхшаган уй бекалари учун айна мудоаб бўлди. Туман бандликка қўмақлашиш марказининг сайёҳлик харақати қўл келиб, йирик завод ва фабрикалардан буюртмалар ола бошладим. Солиқлардан 24 фоизлик имтиёз берилган. Турли расмиятчилик, хатта-кичиқ идораларга ҳисобот бериш каби «бош оғриқ»лардан йироқимиз. Рўзгорга қўшимча даромад қираяпти. Энг асосийси, доимо оилам бағридаман. Икки нафар маҳалладошимни шоғирдилликка олганман. Эрта-индин улар ҳам тикувчилик касбини пухта эгаллаб, мустақил иш бошлашди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан қувонамай бўладими, ахир!

Ш. РАХИМОВ тайёрлади

Депутат оҳангаронлик ёшлар билан учрашди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов Оҳангарон шаҳар саноат касб-хунар коллежи ўқувчиларига янги қонунларни ишлаб чиқиш жараёнлари хусусида атрофлича сўзлаб берди



Зиёдулла МўМИНОВ, «XXI ASR»

Мафтуна Муталова, Бобуржон Маъмуров коллежининг 3-босқичида таҳсил олмақдалар. Гарчанд касб йўналишлари бошқа-бошқалигига қарамай, улар малакали мутахассис бўлиб, эл-юртга хизмат қилишмоқчи. Олий Маж-

лис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партиясининг Тошкент вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» иштирокида ташкил этилган тадбирда ёшларнинг келгусидаги режалари хусусида ҳам сўз борди.

— Коллежимизда бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Бирок

шувлар шу маънода ҳам биз, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Дарҳақиқат шундай. Ўқув-семинар қизгин ўтди. Ёшлар, хусусан, таълим-тарбия, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик соҳасига оид қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар O'zLiDeP Дасури ва гоёлари ҳақида кенг тасаввурга эга эканликларини амалда намойён этдилар. Бундан эса тўпланганлар мамнун бўлдилар.

хусусий тадбиркорлик соҳасига оид қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар O'zLiDeP Дасури ва гоёлари ҳақида кенг тасаввурга эга эканликларини амалда намойён этдилар. Бундан эса тўпланганлар мамнун бўлдилар.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Суд томонидан даъво муддатини тиклаш ҳақидаги аризоннинг рад этилиши бироз тушунарсиздек туюлади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасидаги «мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишларини бартараф этиш ҳақидаги талабларига даъво муддати қўлланилмайди», деган талабга амал қилинмаган кўринади.

Қолаверса, мазкур кодекснинг 164-моддасидаги «Мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишнинг бартараф этишнинг талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир» деган қондани инкор этиб бўлмайди

Асосий эътибор — электрорат манфаатига

O'zLiDeP Чиноз туман кенгаши раиси Анвар Бўриев «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

— Айни пайтда туманимизда 36 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларнинг аксариятига сиёсий жиҳатдан етуқ, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган фаолларимиз етакчилик қилмоқдалар. Ўтган давр мобайнида қандай натижага эришган бўлсак, бунда уларнинг ташаббускорлик-

келаётган канализация масаласидаги муаммони халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига олиб чиқдик. Депутатлик гуруҳимиз бу масалада ҳатто Олий Мажлис Сенатига мурожаат қилишди. Шундай экан, бу масала манзилли дастурга киритилди.

Яна бир мисол: туман кенгаши ва БПТлар жой-

бирдек иш олиб боришга япти, дея олмайман, албатта. Аммо, юқорида таъкидлаганимдек, уларга ҳар томонлама етуқ, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган фаолларимиз етакчилик қилишга япти. Бирок ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деган гап бор. Улар ўз атрофига ташаббускор инсонларни жамламас эканлар, қўплаган натижага эришиб бўлмайди. Анчққ бўлса ҳам айтиш керак: жамоатчилик ишга ҳамма ҳам жон куйдиравермайди. Лекин ҳаракат қилганлар бу ишнинг удрасидан чиқишга япти. Энг муҳими, улар туман кенгаши билан бамааслахат иш олиб бориб, белгиланган режалар ижросини таъминлашга ҳаракат қилишга япти. Кенгаш ҳам амалдаги ишга қараб хулоса чиқармоқда. Умуман олганда, бошланғич партия ташкилотларимиз фаолиятдан қониқиб ҳосил қилиш мумкин. Энг муҳими, жойларда ўтказилаётган тадбирларга кенгаш фаоллари эмас, балки бошланғич ташкилотларнинг ўзлари бошқоқ бўлмоқдалар.

O'ZLIDERNING MAQSAD VA VAZIFALARINI KENGTROK TARGHIB ETISH UCHUN, ENG AVVALO, AMALIY ISHLAR BILAN BOSQALARDAN AJRALIB TUURISHGA HARAKAT QILAYAPMIZ. CHUNKI REAL NATIJALARGA ERISHMAS EKANMIZ, OLDIMIZGA QUYILGAN MAQSADLARIMIZGA SAJLOVCHILARNI ISHONTIRA OLMAYMIZ.

лари муҳим бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим. Туманда O'zLiDePнинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ тарғиб этиш учун, энг аввало, амалий ишлар билан бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилаёғимиз. Чунки реал натижаларга эришмас эканмиз, олдимизга қўйилган мақсадларимизга сайловчиларни ишонтира олмаймиз. Бундан ташқари, халқ депутатлари туман кенгашига турли партиядан сайланган 30 нафар депутатдан 14 нафари O'zLiDeP аъзолари экани ҳам зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

— O'zLiDePни аксарият ҳолларда амалиётчи партия, дейишади. Шу маънода тадбиркорларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишда тумани қандай натижаларга эришилмоқда?

— Бу саволга жавоб қайтарганимдан аввал кенгашимизга партия аъзоси бўлмаган юртдошларимиз ҳам ўзларини ўйлантираётган масалалар билан мурожаат қилаётганини, бу эса O'zLiDePга бўлган юксак ишончдан далолат эканини айтишни истардим. Масалан, яқинда Чиноз шаҳри аҳолисининг фикрини ўрганиб, бир неча йиллардан буён ишламай

ларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказишда ҳам асосий ташкилотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига оляпти. Хар йили туманимиз бўйича мавжуд 5 та касб-хунар коллежини тугатиб чиқаётган ёшларнинг асосий қисмини электротимиз бўлган тадбиркор ва фермерлар ишга қабул қилишга ўргатишга ҳаракат қилишга япти. Бу масалага, айниқса, жорий йилда ўта жиддий киришилди. Яъни, касб-хунар коллежлари талабаларини ишга жойлаштиришни улар биринчи курсдалигиданок бошлаб юбордик. Бунда тадбиркорлик субъектларига қайси касб эгалари зарурлиги аниқлиниб, мутахассисларни четдан эмас, балки ўзимиздаги коллежларда таҳсил олаётган ёшлардан танлаб, уларни айнан ўша корхоналарда амалиёт ўташини ташкил этишга эришдик. Шу йилнинг ўзида иккинчи босқичга ўтган юз нафардан зиёд талаба амалиётни бевосита O'zLiDeP фаоллари етакчи бўлган корхоналарда ўтади.

Менимча, бу дастлабки йил учун ёмон натижа эмас. — Маълумки, бошланғич ташкилотлар партиясининг асосий таянчи ҳисобланади. Туман кенгашининг раҳбари сифатида улар фаолиятдан қониқиб ҳосил қилаёғимизми?

— Уларнинг барчаси

Янги линия ёшларга топширилди

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида фаолият кўрсатаётган «Хондамир Авазович» масъулияти чекланган жамиятида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига тўғна сифатида профнастил ишлаб чиқаришнинг янги технологик линия ўрнатилди. Умумий қиймати 37 минг АҚШ долларига тенг мазкур линияда йилга 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. — Энг муҳими, корхонамизда яна 10 нафар ёш йигитларимизга иш ўринлари яратилди, — дейди МЧЖ раиси А.Толипов. — Янги линиянинг афзаллиги шундаки, исталган ўлчамдаги тунукалар юқори сифат ва қисқа муддатда харидорларга етказиб берилди.

М. РЎЗИЕВ

Ёш кадрлар мутахассислар имтиҳонидан ўтди

Бухоро вилояти меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 313 та корхона ва муассаса 3340 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Бу галги тадбирда корхоналарнинг тажрибали ишчи ва хизматчилари ўз корхоналари хусусида атрофлича маълумот бердилар. Бошқача айтганда, улар ишга кирмоқчи бўлганларни ўзига хос имтиҳондан ўтказдилар. Ярмарка давомида танлаган соҳасида меҳнат қилиш ниятидаги 533 нафар иштирокчига йўлланма, тадбирда илк бор қатнашаётганларга меҳнат қонуночилигига оид ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шу ўринда, 2011 йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 4 та, туман марказлари ва бошқа ҳудудларда 70 дан зиёд меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уларда жами 7586 нафар киши иш билан таъминланганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Асхор ИСТАМОВ

Айбдор ким?

Россиянинг уч карра чемпиони, «Локомотив» (Ярославль) хоккей клуби жамоасининг авиаҳалокатга учраши нафақат ишқибозлар ва халқаро жамоатчиликни қайғуга солди, балки дунёда парвоз хавфсизлиги масаласининг ҳамон долзарб бўлиб қолаётганини намоён этди

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Маълумки, самолётнинг ихтиро қилиниши ва ҳаво қатновининг йўлга қўйилиши, шубҳасиз, инсон ақл-заковатининг энг олий ютуқларидан биридир. Эндилликда йўловчи транспортни авиаҳалокатга тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Аммо улар нечоғли мукамал бўлмасин, парвозлар ҳамisha таваккалчилик, таҳлика ва бепарволик билан ёнаётган бўлиши шубҳасиз. Жаҳон оммавий ахборот воситалари деярли ҳар куни дунёнинг у ёки бу ҳудудида авиаҳалокат рўй бергани ҳақидаги юракларни ларзага солувчи муҳим хабарларни тарқатганида беихтиёр ана шу бехатарлик ҳақида ўйлаб қоласан, киши.

Эслатиб ўтамиз, Москвадан тахминан 300 километр шимоли-ғарбда рўй берган фожидада самолёт бортида бўлган 45 кишидан атиги бир нафари тирик қолган, ҳолос. Жамоа мураббийи, канадалик Брэд Маккриммон, Миллий хоккей лигаси (МХЛ)нинг собиқ ўйинчилари Павел Демитра ва Руслан Салей ҳам ҳалок бўлганлар рўйхатидан ўрин олди. Тахминларга кўра, фожиа юз беришига, биринчи навбатда, самолётнинг эскиргани, ундан 30 йилдан ошқинроқ вақтдан буён фойдаланиб келинаётгани сабаб бўлган.

«Локомотив» хоккей клуби 8 сентябрь куни Минскнинг «Динамо» жамоаси билан қитъавий хоккей лигаси ўйинлари очилишида учрашиши керак эди. Жамоа таркибида россияликлар би-

лан бирга хоризг фуқаролари — Германия, Швеция, Словакия каби мамлакатлардан ёлланган хоккейчилар ҳам бўлишган. Тан олиш керак: Россия бугун ҳаво транспорти хавфсизлиги бўйича аҳоли абгор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мазкур фожиадан салкам икки ой аввал Россия шимолида йўловчи самолётнинг ҳалокати оқибатида 44 нафар инсон нобуд бўлган эди. Ушбу рейснинг оператор-компанияси — «Як Сервис» Европа Иттифоқидаги хавфсизликни назорат қилувчи органлар томонидан 2009 йилда текширилган ва мамлакат ичарисидидаги фаолиятига чеклов қўйиш тавсиясини берганди. Россия ҳукумати кейинчиликда ушбу чекловни бекор қилган, Европа комиссияси ҳам ўз қарорини ўзгартирди.

Ваҳоланки, тез-тез такрорланаётган авиаҳалокатлар билан боғлиқ ҳодисалар аллақачон Россия ҳукумати самолётлар паркинги янгилашга мажбур этиши керак эди. Мутахассислар воқеалар ривожини таҳлил этиб, Россия авиакомпанияларига бўлган ишонч сўниши мумкинлигини бежиз таъкидламаяптилар. Мамлакат президенти Дмитрий Медведевнинг хавфсиз парвозни таъминлаш учун ҳукумат хоризлик самолётсозларга мурожаат этиши мумкинлиги борасида берган баёноти соҳада аҳоли қанчалик мураккаб эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин Россия давлат раҳбари бундан эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин Россия давлат раҳбари бундан эканлигини кўрсатиб турибди.

«Локомотив» хоккей клуби 8 сентябрь куни Минскнинг «Динамо» жамоаси билан қитъавий хоккей лигаси ўйинлари очилишида учрашиши керак эди. Жамоа таркибида россияликлар би-

ракки, жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида Россия Федерациясида авиаҳалокатлар сони 60 фоиз (24 та)га, қурбонлар сони эса тўққиз мартаба (72 нафар)га ўсган.

Халқаро спорт шарҳловчиларининг фикрича, «Локомотив» жамоасининг ҳалокати Америкадаги МХЛда ўйнаётган ўйинчиларнинг Россиядаги қитъавий хоккей лигасига ўтиб ўйнаши билан боғлиқ иштиёқни сўндириши ҳам мумкин. Чунки АҚШ ва Россияда катта мамлакатларда шахарлар орасидаги масофа узоклиги боис самолёт хизмати билан фойдаланмасликнинг имкони йўқ. Боз устига, Россия ҳанузгача алмисокдан қолган транспорт воситаларидан фойдаланаяпти. Маълумки, КХЛ (24 жамоадан иборат)даги ўйинлар 2008 йилда бошланган бўлиб, лига Яромир Ягр каби юлдузлар эътиборини ҳам ўзига жалб этганди. Бундан ташқари, мазкур лигадаги беллашувларга европалик ўйинчиларнинг ҳам қўшилиши уларнинг океанортидаги NHL агентлари эътиборига тушишини оsonлаштираётди.

— КХЛ жуда юқори даражада ўйин намоён этгани ва бу NHLга ўтиш учун энг оson йўлдир, — дейди финляндиялик агент Юссо Пуллиайнен (Juuso Pulliainen). Ярославлдаги ҳалокатда қурбон бўлган хоризлик ўйинчилардан бири Ян Марек (32 ёшда) ўз хавфсизлиги юзасидан ҳавотир билдириб, бундан икки йил муқаддам Чехиянинг Lidove Noviny газетасига берган интервьюсида Россияда самолётда учиб қўрқинчли эканини айтган эди. «Менга самолётга чиққандан кўра, автобусда неча соат бўлса ҳам

юриш афзал», дейилди шу газетада босилган такрорий мақолада.

Мухтасар қилиб айтганда, Ярославлнинг «Локомотив» жамоаси тақдири Буюк Британиянинг Manchester United, Италиянинг «Турин», мамлакатимизнинг «Пахтакор» футбол клуби, АҚШнинг Маршалл Университети футбол жамоалари каби яқун топди. Manchester United самолёти 1958 йил февраль ойида Red Star Belgrade халқаро турнири ҳолиби сифатида ортга қайтаётганда, аниқроғи, Мюнхендан ёнлиги қуйиб қўрилган пайтда ҳалокатга учраган ва 22 киши ҳаётдан кўз юмганди. 1970 йилда эса Фарбий Виржинияда бортида Маршалл футбол жамоаси бўлган самолёт кўниш чоғида ҳалокатга юз тутгани ва 75 киши қурбон бўлганини спорт ишқибозлари жуда яхши билишади. Авиатарвозлар анчайин хавфсиз бўлиб қолганига қарамай, 2010 йил 2009 йилга қараганда авиаҳалокатлар ва қурбонларга бой бўлди. Айниқса, араб ва Осиё ҳаво транспорти компаниялари бу борада етакчилик қилмоқдалар. Статистик маълумотларга кўра, 2010 йили бутун дунё бўйлаб 1,3 миллион парвозга биттадан авиаторвозлар билан шугулланувчи Буюк Британиянинг Ascend консалтинг компанияси маълумотларига кўра, 2010 йилда 28 та, 2009 йилда 23 та ҳалокат содир бўлган. 2009 йилда бундай фожиаларда 731 киши, 2010 йилда эса 828 киши ҳаётдан кўз юмган. Хиндистон, Покистон, Ливия, Ливан аэропортлари яқинида самолётлар ҳалокатида қурбон бўлганлар сони 2010 йилда осмонда ўлим топ-



ган кишиларнинг 65 фоизини ташкил этар экан.

Мутахассислар фикрича, йўловчи самолётлар ҳалокатига асосан техник носозлик, учувчилар ва авианозирлар халоси, халқаро террорчилик ва табиий ҳодисалар (қушлар билан тўқнашув, чақмоқ чақиши ва бошқалар) ҳам сабаб бўлади. Эътироф этиш керакки, бугун инсоният техника тобора мукамаллашиб бораётган замонда яшамоқда. Шу боис хавфсизлик масаласида биринчи ўринга инсон омили чиқарилмоқда.

Шу ўринда барча айбларни техникага боғлаш ҳам унчалик тўғри бўлмас керак. «Боинг» компанияси тадқиқотлари жами ҳалокатларнинг 65 фоизи экипаж йўл қўйган хато туфайли содир бўлганини кўрсатмоқда. Осмондаги тасодифларда кўплаб таниқли кишилар, хусусан, тадқиқотчи Амундсен, Покистон президенти Зиё-ул-Ҳақ, Хитой музоффа вазири Линь Бяо, Панаманинг собиқ президенти, генерал Торрихос, Мозамбик президенти Самора Машел, АҚШ президенти Кеннедининг ўғли, шунингдек, бутун-бутун жамоалар, «Турин», «Манчестер Юнайтед», «Пах-

такор» футбол клублари, «ВВС» хоккей жамоаси ва бошқалар барвақт ҳаётдан кўз юмдилар. Авиация билан профессионал жиҳатдан боғланганларнинг ҳаёти ҳам осмонда яқун топган ҳолатлар талайгина. Машҳур учувчи Валерий Чкалов, дунёнинг биринчи космонавти Юрий Гагарин фожиаси шулар жумласидандир.

Осмондаги фожиаларни камайтириш ва олдини олиш учун кўплаб мамлакатларда ихтисослаштирилган парвозлар хавфсизлиги хизматлари, илмий-тадқиқот муассасалари, юқори малакали экспертлар ишлаётди. Буларнинг бари ҳалокатли вазиятга олиб келадиган омилларни аниқлашда қўл келётганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Ҳўш, бахтсиз ҳодисалар кўпроқ қайси хаво кемаларида содир бўлаяпти, деган ҳақли савол туғилади. Статистика маълумотларига кўра, Антонов самолётлари соҳадаги энг ожиз бўғиндир.

2007 йил мобайнида 12 та Антонов, 8 та Американинг Boeing, 4 та Airbus, 2 та Ильюшин, 1 тадан Туpoleв ва Яковлев самолётлари ҳало-

катга учраган. Қийёслаш учун айрим рақамларни келтириб ўтамиз: 2006 йилда 164 та, 2005 йилда 184 та, 2004 йилда 165 та, 2003 йилда эса 198 та авария содир бўлган.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларида авиалокалларнинг йиллик сони 200 тадан, 1977-1980 йилларда эса 300 тадан ортган экан.

«Авиация транспорти энг хавфсиз ҳисобланади», дейилади IATA тарқатган маълумотномада. Ўн йил мобайнида, яъни 2000 йилдан буён авиаҳалокатга учраш кўрсаткичи қариб 2 баробар — миллион парвоз ҳисобига 1,34 фалокатдан 0,75 тага камайдди. Ҳалок бўлганлар сони ҳам ўтган йиллардагидан кўра анчагина қисқарди. Бу яхши, албатта. Аммо бизнинг мақсад янада яхшироқ кўрсаткичга: ноль фалокат ва ноль қурбонлар бўлишига эришишдир.

Ҳаво кемаларининг йўқотилиши сабаблари таҳлил қилинган экан, маъруза муаллифлари бахтсиз ҳодисаларнинг деярли ярми (48 фоиз) кўниш пайтида содир бўлган, деган хулосага келадилар. Иккинчи айланнига ўз вақтида ўтилганида бу ҳодиса-

ларнинг аксарияти рўй бермаслиги ҳам мумкин эди.

Ўтган йили ҳаво кемалари йўқотилишининг 20 фоизи ердаги шикастланишлар натижасида содир бўлган. Ходисаларнинг тахминан ярми у ёки бу тарзда техник муаммолар билан ҳам боғлиқ. Жумладан, 20 фоиз ҳолатда авиаҳалокатлар техник хизмат кўрсатишдаги камчиликлар туфайли рўй берган.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср мўъжизаси — самолётлар бундан буён ҳам кўкка парвоз қилаверади. Бусиз тараққиёт йўқ, глобал миқёсда мамлакатлар ва халқлар ўртасида алоқа боғлаш, ҳамкорлик ўрнатиш қийин, албатта. Шу боис кун тартибига самолётлар парвози хавфсизлигини камайтириш масаласи кескин киритилмоқда. Ер юзидаги жамми авиаккомпаниялар ва концернлар, конструкторлар, авиацияга хизмат кўрсатувчи барча мутахассислар ана шу муаммо устида тинимсиз бош қотирмоқдалар. Мақсад ҳаво кемаларининг бехатар парвозини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик, йўқотишлар ва қурбонликларнинг олдини олишдан иборатдир.

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси

2012 йилга обуна бошланди

Мурोजаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Скотленд-Ярд Бернадга топширилди



Буюк Британия ички ишлар вазири Тереза Мэй Скотленд-Ярдга янги раҳбар тайинлаш ҳақидаги қарорини эълон қилди. Маълумотларга қараганда, август воқеаларидан сўнг мамлакат Бош вазири Дэвид Кэмерон пойтахт полицияси бошлиғи этиб америкалик мутахассис — Нью-Йорк ва Лос-Анжелес полициясининг собиқ етакчиси Билла Брэттон номзодини кўрсатган эди. Брэттон гарчи ўз фаолияти давомида жиноятчилик даражасини пасайтириб «суперкоп» лақабини олган бўлса-да, ички ишлар вазири Скотленд-Ярднинг полиция етакчиси америкалик мутахассис бўлишига қарши чиқди. Эслатиб ўтамиз, Скотленд-Ярднинг янги раҳбари Бернад Хоган-Хоу бундан аввал маркази Ливерпуль бўлган Мерсайд ҳудуди полицияси бошлиғи лавозимда фаолият юритган. У ишлаган кезларда мазкур ҳудудда жиноятчилик 25 фоизга камайган.

«Шоу энд гоу» вақтингизни тежайди



Жанубий Африка Республикасида дунёда биринчи бўлиб автоуловларни ижарага бериш тўлиқ электрон шаклда расмийлаштирилган бўлди. Янги тартибга кўра, автоуловларни ижарага бериш қоғозсиз амалга оширилади. «Ферст кар рентал» компанияси машинани махсус электрон қурилма ёрдамида ижарага олиш таклифини илгари сурмоқда. «Шоу энд гоу» (кўрсат ва ҳайда) деб номланган янги тизим дастлаб Кейптаун аэропортидаги энг гавжум ижара шохобчасида мижозларга хизмат кўрсата бошлайди. Бунинг учун мижоз Интернет орқали буюртма беради, манзилга етиб келгач, автоулов сақланаётган жойда бир дақиқа ичида ўз машинасига эга бўлади. Мутахассислар бундай афзалликлар навбатларда туриш ва шартномалар тўлдиршига батамом барҳам беришини, бу хизматдан бир марта фойдаланган мижоз ҳақидаги маълумотлар компьютер хотирасида қолиб, унга «домий фойдаланувчи картаси» топширилишини таъкидламоқдалар.

«Nexia» ва «Matiz»нинг харидори кўпаймоқда

2011 йил август ойида «General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси Россияга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоиз кўп, яъни 9050 дона автомобиль сотди. Европа бизнес ассоциациясининг Автомобиль ишлаб чиқарувчилар кўмитаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, жорий йилнинг олти ойида Асака заводи россиялик диллерларга 2010 йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоиз кўп автоулов етказиб берган. Бундан ташқари, «GM Uzbekistan» ЕАЖ 2011 йилнинг саккиз ойи якунларига кўра, Россия автомобиль бозорини ўз маҳсулотлари билан тўлдириш бўйича ўнинчи ўринни, 25 та энг харидоригар автомобиллар рўйхатида эса «Nexia» — 9, «Matiz» 16-погонани эгаллаб турибди.



«Зенит» «Samsung»га қўл урди



Пойтахтимиздаги «Zenith Electronics» МЧЖ қўшма корхонасида «Samsung» савдо белгиси остида автоматик кир ювиш машиналари ишлаб чиқарила бошланди. Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics Co. LTD» компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган янги линиянинг очилишига бағишланган тадбирда маҳаллийлаштириш Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилган ушбу лойиҳанинг дастлабки босқичида янги маҳсулот бутловчи қисмларининг 30 фоизи «Zenith Electronics» цехларида ишлаб чиқарилиши таъкидланди. «Zenith Electronics» томонидан 2011 йил охиригача 4700 та, 2012 йилда эса 10 минг дона жаҳон талабларига мос ва энг асосийси, импорт қилинаётганларига нисбатан анча арзон нарҳдаги кир ювиш машиналари ишлаб чиқарилади.

«Камолот — TUR-IV»

Бухоро шаҳрида «Камолот — TUR-IV» ёшлар миллий веломарафонининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Эътиборли томони шундаки, бу галги мусобақаларда аввалги баҳсларга нисбатан икки баравар кўп спортчи иштирок этди. 9-14 ёшли иштирокчилар орасида фахрли I-ўрин Бухоро шаҳридаги 30-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Владимир Степановга, 15-17 ҳамда 17-30 ёшлилар ўртасидаги қизғин беллашувларда эса 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари Дмитрий Краснов ва Денис Умаровга насиб этди. Ғолиб спортчилар ёшлар миллий веломарафонининг Тошкентда ўтказиладиган финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Эслатиб ўтамоғимиз: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида 3 йилдан бери ўтказиб келинаётган анъанавий «Камолот — TUR» ёшлар миллий веломарафони тобора оммалашиб, ёшлар ўртасида спортнинг айнан шу турини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Аждарлар» яна ғолиб чиқишди

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) кубогида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси чорак финалнинг сафарда бўлиб ўтган биринчи беллашувида Таиланднинг «Чонбури» клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Мurosасиз кечган ўйинда киритилган ягона голга қашқадарёликларнинг черногориялик легионери Иван Бошковић муаллиф бўлди. Учрашувнинг 47-дақиқасида киритилган тўп болконлик футболчининг «ОФК кубоги-211» турниридаги тўққизинчи голидир. «Насаф» эса мазкур мусобақада кетма-кет қўлга киритган саккизинчи ғалабасини нишонлади. Гуруҳ беллашувларида барча ўйинларни ўз фойдасига ҳал қилиб, бош совриннинг асосий даъвогар сифатида эътироф этилаётган «аждарлар» чорак финалнинг иккинчи учрашувини 27 сентябрь кuni Қарши марказий стадионида ўтказди. Мазкур ўйинда украиналик мутахассис — Анатолий Демьяненко шогирдларини дуранг натижа ҳам қаноатлантиради.



Куз фасли кириб келган бўлса-да, мамлакатимизда ҳали ҳам ёз ҳарорати сезилмоқда. Аммо 15-17 сентябрь кунлари республикаимизда об-ҳаво ўзгариб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 15-22 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбий шомол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида 16 сентябрда шарқдан эсаётган шомол тезлиги 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, 16 сентябрда кечаси ва куннинг биринчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғади. 17-19 сентябрда ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 17-19, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 14-19, кундузи 27-32 даражани қайд этади. Шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, 16 сентябрда баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво бироз ўзгариб туради, ҳафта сўнггида ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. 16 сентябрь кuni шомол тезлиги 15-20 м/с гача кучаяди. Термометр кўрсаткичлари кечаси 12-17, кундузи 23-28 даражани қайд этади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 6-11, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.



Йодомарин®

Калия йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит калия йодид 131 мг (что соответствует 100 мг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодид 262 мг (что соответствует 200 мг йода).

Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и образованной зоба у людей, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь у детей, подростков, беременных и кормящих женщин).

Действие: йоддефицитного негравидозного зоба.

Дозировка и профилактика зоба: беременным и детям - 50-100 мг в сутки; подростки и взрослые - 100-200 мг в сутки; кормящие женщины и кормящие грудью - 200 мг; после операции по поводу зоба или после окончательного медицинского лечения зоба горьковатый щитовидной железы - 100-200 мг.

Противопоказания: при гипертиреозе, при легком гипертрофии в щитовидной железе, при беременности в дозах, превышающих 150 мг йода в сутки, при автономной аденоме в виде функционально-автономных узлов; щитовидной железы при применении в дозах от 300 до 1000 мг йода в сутки (в исключительных случаях); при одновременном применении с кальций блокаторами щитовидной железы (тиазидными диуретиками), так как эти препараты вызывают повышение чувствительности к йоду; при одновременном применении с препаратами йода в день.

Форма выпуска: Йодомарин® - таблетки 100, 200 мг на 100 в упаковке.

Б-250-95 N 14003, 29.02.08 Б-250-95 N 18001, 29.02.08

BERLIN - CHEMIE MENARINI

TURON BANK

Зафиксированный рост ваших капиталов.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Португалия фуқароси Жозе Да Сильва номига берилган хорижий мутахассисга меҳнат фаолияти ҳуқуқини берувчи 046697-сонли рухсатнома (лицензия) йўқолган. Агар ушбу рухсатномани топиб олсангиз, қуйидаги телефон рақамига кўнғирок қилишингизни сўраймиз.

Тел: +998753565691

Називин® NYCOMED

для носов и носиков

Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационный номер: П-4-342/000432; Б-200-01/000100
Отпускается без рецепта врача
Освобождается от уплаты налогов
Имеются противопоказания. Перед применением проконсультируйтесь с врачом.

Мерк КГА Германия для Никомед
Товар сертифицирован

Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии